ЭПИК КУЙЧИ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ТАЛҚИНИ

Насим Камолович ОЧИЛОВ
доцент
филология фанлари доктори (DSc)
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек халқ романик достони “Оллоназар Олчинбек” ҳақида фикр юритилиб, унда эпик куйчи образининг бадиий талқини, сюжет, мотив ва образлар генезиси, эволюцияси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, достоннинг умумўзбек достончилик мактаби бахшилари репертуаридаги ўрни, вариантлари, ижро этилиши, эпик анъанадаги аҳамияти, сюжет ва композицияси, тил хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: достон, дўмбира, эпик анъана, бахши, вариант, образ, сюжет ва композиция, мифопоэтик, генезис, бадиий талқин.

ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЭПИЧЕСКОГО ПЕВЦА

Насим Камалович АЧИЛОВ
доцент
доктор филологических наук
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается узбекский народный романический дастан «Олланазар Олчинбек» и анализируется художественная интерпретация образа эпического певца, генезис, эволюция, идейные основы сюжета, мотивов и персонажей дастана.

Ключевые слова: дастан, думбира, эпическая традиция, сказитель, вариант, образ, сюжет и композиция, мифопоэтический, генезис, художественная интерпретация.

Умумўзбек достончилик мактаблари доирасида романик достонлар мавзу қамрови жиҳатидан катта гуруҳни ташкил этиб, ишқий-романик мавзуда ижро этилган “Оллоназар Олчинбек” бахши шахси ва унинг ахлоқий-эстетик принципларини ифодаловчи бадиий асар намунасидир.

Маълумки, “Кунларим”, “Таржимаи ҳол” каби термаларда бахшиларнинг соз ва сўзга, устозлар ўгити ва шогирдлар камолоти ҳамда достон ижроси ва бадиий маҳорат масалаларига оид қарашлар мавжуд. Халқ

достончиларининг устоз ва салафлари, замондош ва шогирдларига муносабати, соз ва сўзга, эпик репертуар ҳамда бадиий маҳорат масалалари ҳақидаги эстетик қарашларига доир кўплаб афсона, ривоят, оғзаки ҳикоялар етиб келган бўлса-да, аммо бахши шахси ва унинг ахлоқий-эстетик қарашлари ифодаси бўлган эпик сюжет ижроси билан боғлиқ намуналар достончилик мактаблари доирасида кенг оммалашмаган. Бахши образининг идеал тимсоли тасвирланган “Оллоназар Олчинбек” достони фақатгина Шеробод достончилик мактаби бахшилари репертуарида ижро этилган.

“Оллоназар Олчинбек” бахши шахси ва унинг эстетик қарашларини бадиий ифодаловчи мустақил достон намунасидир. Достоннинг Шеробод достончилик эпик анъаналарида оммалашуви бахшиларнинг ўз санъатларига бўлган ҳурмати ва унинг қатъий такомиллашувидаги локал хусусиятлар билан боғликдир. Чунки Шеробод поэтик мактабида чинакам бахшилар устоз-шогирдлик мактабини ўтаган бўлиши, унга қатъий амал қилиши, дастлаб дўмбира чертишни, терма айтишни, соз ва сўз ижрочилигига эътибор, достонларни тўла-тўкис ўзлаштиргандан сўнггина дуо бериб, уни мустақил бахши сифатида эътироф этиш қоидаларига амал қилинган. Шу боисдан ҳам бу мактабда бахшилар дастлаб достон айтишдан аввал, албатта, бир икки достон куйи (нағма) ва терма айтиб, шундан сўнггина достон ижросига киришганлар. Мана шундай анъаналар бахши ва унинг достон ижроси, репертуари, устоз-шогирдлик муносабатлари, ўз ижодларига бўлган принциплари ва бадиҳагўйлик маҳоратлари ҳақида халқ оғзида ҳикоя кўринишида оммалашувига сабаб бўлган. Бундай оммалашув эса аста-секинлик билан эпик сюжетнинг тадрижий ривожланиши, ижрода достон кўринишида шаклланишини юзага келтирган.

Иккинчидан, қачонлардир ривоят, афсона ва оғзаки ҳикоя тарзида яратилган намуналар қайсидир бахшининг ҳайратомуз ҳофизасида шаклланиб, эпик ижрога мослашган. Достоннинг дастлабки яратилиш босқичи Шеробод достончилик мактабининг асосчиларидан бири Бобо шоир ва унинг устоз-шогирдлик анъаналари билан боғланади.

“Оллоназар Олчинбек” умумўзбек достончилигида бахши образининг бадиий қиёфаси тасвирланган достон намунаси бўлиб, у романик достонлар таркибида ўрганилади. Достоннинг Эсон ота Шомуродов, Нормурод бахши Поёнов, Мардонақул Авлиёқул ўғлидан ёзиб олинган вариантлари ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил, адабиёт ва фольклор институтининг фольклор архивида сақланади. Мазкур достон ва унинг вариантлари, ўзига хослиги, ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида фольклоршунослигимизда қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Вариантларнинг барчасида эпик бахши – Оллоназарнинг машҳур достончи сифатида халқ орасида танилиши, шогирдларига садоқати, севги-муҳаббати ва достон хотимасида фожиали вафот этиши воқеалари тасвирланади. Достон ўзига хос сюжет ва композицион тугалликка эга. Бахши-шоирлар репертуарида достон кўп ҳам ижро этилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири Оллоназарнинг фожиали ўлими ва у билан боғлиқ воқеаларнинг бахшилар томонидан ирим қилиниши ҳамда сирли тарзда сақланишига сабаб бўлган. Биз достоннинг Мардонақул Авлиёқул ўғли ва Қаҳҳор Раҳимов вариантлари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдирамиз [4].

Мардонақул Авлиёқул ўғли варианти ҳақида. Ушбу вариантни фольклор тўпловчиси Чори Ҳамроев бахшидан 1956 йил “Оллоназар” номида ёзиб олган. Достоннинг бир нусхаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил, адабиёт ва фольклор институтининг фольклор архивида № 1268-инвентарь рақами остида сақланади. Нашрга тайёрлаётган вариантимиз марҳум фольклоршунос олим А.Қаҳҳоровнинг шахсий архивидан олинди. Ушбу вариантда Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналари тўлиқ сақланган. Достон дастлабки эпик қаҳрамоннинг шажараси ҳақидаги маълумот билан бошланиб, шундан сўнг воқеалар Оллоназарнинг шогирдлари, достон ижро этиш маҳорати ҳақидаги тасвирлар билан давом этади.

Сюжетда Оллоназарнинг Ҳисор юртига тўйга бориши эпизодлари воқеаларни кескин драматик тарзда ривожланиши томон йўл очади ҳамда қаҳрамоннинг халқ орасида ҳақиқий бахши сифатида танилишига сабаб

бўлади. Тўйга таклиф қилинганлар орасида даврининг машҳур бахшиси Омондурди ва шогирдлари ҳам бор эди. Бахши-шоирларнинг айтишувлари, унда Оллоназарнинг достонларни маҳорат билан ижро этиб, йиғилганларни ҳайратда қолдириш тасвирлари ҳам достон воқеаларини ривожлантиради, эпик қаҳрамоннинг кейинги ҳаётига катта ўзгаришлар ясайди. Айниқса, тўйда таниқли шоир Омондурди билан айтушувда кўрсатган маҳорати уни чинакам бахши сифатида танитади. Достон воқеаларида Оллоназарнинг Бухорога ёрлиқ олиш мақсадида сафарга отланиши унинг ҳаётида кутилмаган ўзгаришларни юзага келтиради. Оллоназарнинг йўлда Орзонкор юртида Хонкелди бойникига ташрифи, уларнинг ота-бола тутинишлари, Ойзумраднинг Оллоназарга кўнгил қўйиш эпизодлари достон воқеаларининг ривожида етакчилик қилган. Сюжетдаги ушбу воқеалар романик достон структурасида мавжуд анъанавий қолипларни, эпик клишеларни бахши томонидан маҳорат билан ижро этилишини таъминлаган. Воқеалар жараёнида Ойзумраднинг отаси Хонкелдибойга Бухоро йўлида минор қурдириб беришни илтимос қилиши, Оллоназарни кутиши, орадан олти ой ўтиб Оллоназарнинг дўсти Оймамат билан кўшкда қизларга дуч келиши, Ойзумрад билан айтишуви, сайлбоғ тасвирлари романтик бўёқда жуда таъсирли куйлана боради. Достонда Оллоназар ва Ойзумраднинг ҳақиқий севги-муҳаббати тасвири эпик қаҳрамон шартларининг бажарилиши, савол-жавобдан иборат диалогларнинг лирик туйғуларда ифодаланишида кўзга ташланади. Мана шундай тасвир жараёнлари достон тилининг ширали чиқишини, қаҳрамонларга хос типик характернинг шаклланишини кўрсатади. Достонда Оллоназарнинг фожиали ҳалок бўлиши жараёнлари руҳий вазиятни кучайтиради. Ойзумраднинг Оллоназарни акам деб эмас, балки севикли ёри сифатида тан олишга ҳаракат қилиши, воқеаларнинг кутилмаган жараёнида ўгай онанинг заҳар солинган сувни бериши, эпик қаҳрамоннинг вафот этиши достон финал қисмини тезлаштиради.

Достонда руҳий ҳолатлар Оллоназарнинг вафот этиш тасвирларида янада реаллашади. Эпик қаҳрамон дўсти Оймамат, укаси Каримбек, синглиси

Ҳожарой, онаси Ойдаройлар билан бир қаторда халқни ҳам кучли ҳаяжонга солади. Халқ вакилларининг “Аттанг яхши йигит чиққан эди, элатнинг обрўйи, йигитларнинг боши, шоирларнинг сараси эди”, дейишида ҳам мана шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Оллоназарнинг вафоти барчани қайғуга солса-да, севгилисидан ажралган Ойзумраднинг фожиали вафот этишини таъминлаган. Бахши маҳорати эпик қаҳрамонлар хатти-ҳаракати билан боғлиқ эпизодларни достончилик анъаналари доирасида жонли куйлайди ва достон бадиийлигини, мукаммал вариант сифатида унинг жонли оғзаки жараёнда оммалашувига имкон яратади. Шунинг учун ҳам Мардонақул Авлиёқул ўғли варианти эпик анъаналарни ўзида сақлаганлиги, романик достонларга хос тасвир элементлари, образ ва мотивларнинг ишланиши, сюжет ва композицион деталларнинг тугал ҳолда ижро этилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

“Оллоназар Олчинбек” достонининг Қаҳҳор бахши варианти ҳақида. Қаҳҳор бахши Раҳимов варианти фольклоршунос олим А.Қаҳҳоров томонидан ҳам ёзиб олинган. Шу билан бир қаторда достоннинг аудио ёзуви асосида тайёрланган нусхаси қўлимизда сақланади. Вариантларни ўзаро қиёслаганда фарқли томонлари мавжуд. Чунки “Ҳар бир ижрода ёзиб олинган нарсалар бу бир матннинг вариантлари эмас, кенг назмий захиранинг аниқ бир кўзга ташланишидир. Халқ достонларининг фаол ва эркин берилиши мисоллари шуни кўрсатмоқдаки, ижрочи энг биринчи навбатда эпик билимларнинг сақловчисидир. Достонни кенг миқёсда билиш унинг бир матнини билганга қараганда маъқулдир. Чунки бахшида фақат битта ҳикоя қилиш имконияти эмас, бундай имкониятларнинг кўплаб турлари мавжуд. Эпик билимнинг чегараларида турган ҳолда бахши кўпгина муқобил юришлардан бирини танлайди, қўшади ёки айрим бадиий парчаларни олиб ташлайди: уларнинг ўрнини алмаштиради, фикрни бошқа сўзлар билан юзага чиқаради, яъни, бадиий синонимияни қўллайди” [2;45]. Шундай экан, достон вариантларида сюжет умумий кўринишда бўлса-да, образ ва мотивлар, эпик клише ва формулалардан маҳорат билан

фойдаланиш бахшининг бадиҳагўйлигидан далолат беради. Достон матнларида мана шундай хусусиятлар мавжуд бўлса-да, эпик анъана ва бадиий маҳорат масалалари уларни қиёсий таҳлил қилиш асосида юзага чиқади.

А.Қаҳҳоровнинг Қаҳҳор бахшидан ёзиб олган варианти ҳажм жиҳатидан анча кенг. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу вариантда бахши кўплаб ўринларда воқеаларга ижодий ёндашган. Унда китобийлик устунлик қилади. Бундай хусусиятлар бахши томонидан киритилган бир қатор жойлар, баъзи эпизодларнинг мураккаблашиб бориши, фольклор тилининг ёзма адабиётга хос тасвирланиш ҳолатлари билан боғланади. Бундай жараён бахши яшаган даврдаги фольклорий тафаккурга ёзма тафаккурнинг сезиларли таъсири бўлганлигидан далолат беради.

Қаҳҳор бахши варианти бир қатор фарқли томонларга эга. Достоннинг бошланмаси, Оллоназарнинг отаси Холмўмин чўпон образи, эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши, Оллоназарнинг отасидан қолган дўмбирани чалиб, бахши сифатида шакллана бориш эпизодлари киритилган. Шунингдек, Оллоназарнинг тушида Хизирнинг кириб, бахши бўлишини манглайига ёзиб кетиш тасвирлари ҳам борки, бу ҳолат юқорида таъкидланган бахшиларнинг ҳомий-руҳларга эътиқод тасаввурларини достон воқеаларида киритилишига асос бўлган. Қаҳҳор бахши вариантида ҳам тўй эпизоди мавжуд. Тўйда Оллоназар Бобо шоирнинг назарига тушади. Бобо шоир унга дуо бериб, халқнинг олқишига сазовор бўлиб юришини айтади. Шертой исмли Бобо шоирнинг шогирди томонидан Оллоназарнинг изза қилиниши, уни Бухоро юртига бориб, ёрлиқ олиб келишга ундайди. Оллоназар дўсти Омон билан онаси Ойсадафдан дуо олиб Бухоро томонга сафарга отланади. Эпик анъанага кўра қаҳрамоннинг сафарга отланиши рамзий маънода киритилган мотив ҳисобланиб, қаҳрамон ушбу вазиятда турли тўсиқлар, мураккабликларни енгиб ўтади. Сафарга бориш жараёнида Оллоназарнинг Хонкелдибой хонадонига меҳмон бўлиши, у билан ота-бола тутиниш эпизодлари бўлса-да, Мардонақул бахши вариантидан фарқланади.

Қаҳҳор бахшида бу тасвир Хонкелдибойнинг шарт қўйиш эпизоди асосида юзага келади. Бу вариантда Хонкелдибойнинг қизи Гуландон Оллоназарнинг отасига ўғил тутинганлигини билган ҳолда унга севги изҳор қилади. Оллоназарнинг хайрлашиб, Бухорога бориши, хоннинг шартини бажариб, унинг эътиборини қозониши ва бахши ёрлиғини қўлга киритиб, қайтиб келиш жараёнида Гуландон бошлиқ канизларига дуч келиш тасвирлари мавжуд. Оллоназарнинг келишини Гуландон туши орқали сезади. Гуландоннинг унга севги изҳор қилиши, розилик билдирмаган Оллоназарга заҳарни ичиш шартини қўйиши эпизодлари Мардонақул бахши вариантларидан фарқланади. Қаҳҳор бахшида бу тасвирлар индивидуаллашиб боради. Эпик хотиранинг ташқи таъсирлар асосида замонавийлашиб бориш ҳолатлари бахши дунёқараши ва билимига таъсир қилади. Бу эса бахшининг анъанавий эпизодларга индивидуал ёндашувини кучайтиради. Айниқса, Оллоназарнинг ўлими билан боғлиқ тасвирларда Омонбек, Хонкелдибой, Ҳожарой, Ойсадафларнинг руҳий изтироблари, достон финал қисмида эса Гуландоннинг Оллоназар қабри ёнида вафот этиш эпизодларида бу ҳолат янада яққоллашади.

Қаҳҳор бахши вариантида Оллоназарнинг Гуландон билан айтишуви, қизларнинг сайлбоғ тасвири ва шарт қўйиш эпизодлари мавжуд бўлмаса-да, аммо Оллоназарнинг Бухородан ёрлиқни олиб келиш тасвирлари, Бобо шоирга шогирд тушиш ва дуо олиш эпизодлари, онанинг руҳий тушкун вазиятдаги ҳолатлари маҳорат билан тасвирланади. Қаҳҳор бахшида Оллоназарнинг укаси образи киритилмаган. “Бахши достонни бир нечта дўмбира куйи (нағма)да ижро этган. Ҳар бир куй маълум руҳий вазият асосида қўлланила боради. Достонда қўлланилган “От ҳайдаш”, “Эркалаш”, “Лақай йиғлаш”, “Қодирнома-1”, “Қодирнома-2”, “Келиной”, “Гулойим” ва бошқа куйлар шулар жумласидан бўлиб, уларнинг баъзилари такрор қўлланилади. Мисол учун “Лақай йиғлаш”, “Қодирнома-1”, “Қодирнома-2” куйлари уч маротабадан қайтарилиб, ҳар бири маълум руҳий ҳолатни ифодалашда ижро этилган. 7-8 бўғинли шеърий мисралар “От ҳайдаш”,

“Эркалаш”, “Келиной” куйларида ижро этилиб, ҳаракатнинг изчил, шиддатли кечишини ифодалайди” [5; 130]. Шеърий вазн ўйноқи, оҳангдошлик ритмик изчилликка монанд равишда қисқа бўғинларда давом эта боради. Айниқса, достонда Оллоназар билан Омоннинг Бухорога бориши тасвирида отнинг ҳаракати шиддаткор, ҳаракатчан сўзлар тасвири билан уйғундошлик касб этади.

Отлар борар ориллаб,
Отган ўқдай зириллаб,
Туёғи тийган буна жой,
Олти ой ётар дириллаб,

каби мисраларда отнинг тез, илдам ҳаракати муболағали тасвирларда бадиий ифодасини кўрсатмоқда. Агар шу тасвир жараёни дўмбира жўрлигида тингланса, соз ва сўзнинг, от ва қаҳрамон шижоати тасвирининг уйғундошлиги ўқувчига янада кўтаринкилик бахш этади. Ёхуд “Келиной” куйида ижро этилган тасвирда Гуландон бошлиқ қизларнинг Оллоназар йўлига чиқаётган вазиятида ҳам мана шундай оҳангдош хусусиятлар кўзга ташланади:

Қизлар боради ҳимиллаб,
Бетида тери жимиллаб,
Бетидан оққан терига,
Эту бадани қими(р)ллаб,
Жўнади қизлар жўнади,
Жўнади нозлар жўнади.

Демак, дўмбира куйларининг достон воқеалари ва қаҳрамонлар руҳий ҳолатини бадиий ижро этишдаги роли ва аҳамияти муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда воқеаларнинг тасвирланиши билан боғлиқ эпизодларда поэтик ифодаларнинг бадиий мукаммаллиги бахши маҳоратидан далолат беради. Ушбу вариант ҳам сюжет ва композицион жиҳатдан тугал достон намунасидир.

“Оллоназар Олчинбек” ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асар намунаси бўлиб, у ўзбек эпосидаги вариантлилик ҳодисасини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Бош қаҳрамон Оллоназар тимсолида эпик куйчининг типологик характери мужассамлашган. Оллоназар барча бахшилар қиёфаси, уларнинг ҳаётга ва ижодга бўлган эстетик қарашларини кўрсатувчи типиклашган образ. Достондаги Оллоназар тарихий асосига кўра мифопоэтик тафаккур натижаси бўлиб, кейинги бадиий-эстетик тафаккур қаҳрамонни реал санъаткор қиёфаси асосида умумлаштирди [8;73]. Демак, мифологик тафаккур эпик сюжетнинг тараққиётига асос бўлса, эпик сюжет типик қаҳрамон қиёфасини кашф этиб, жонли ижрода вариантлашувини кучайтирди. Тарихий асосига кўра эпик куйчи типи шомонлик тасаввурлари билан боғланса-да, сюжет шаклланишидаги эволюцион жараён эпик дунёқарашнинг эстетиклашувини юзага келтирди. “Миф ва эпос ўртасидаги диффузия жараёнини юзага келтирувчи омиллардан бири мифологик субъект ва эпос қаҳрамони ўртасидаги алоқадорлик ҳисобланади” [7;30]. Натижада мифологик субъект эпик қаҳрамон қиёфасида маданийлашиб, реал санъаткор образини оммалаштирди. Эпик бахшининг мифопоэтик талқини тарихида уларнинг ҳомийлари ва устозлари сифатида Мулла Ғойиб, Ошиқ Ойдин, Хизр, чилтан, пари сингари пирларни кўрамиз. “Оллоназар Олчинбек” достонидаги Оллоназар образи ҳам мифопоэтик тафаккурга кўра мана шундай образдир.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Оллоназар тарихда яшаб ўтган, иқтидорли бахши сифатида кўплаб шогирдларни етиштирган шахсдир. “Оллоназар Олчинбек” достонига XIX асрда бўлиб ўтган воқеалар асос қилиб олинган. Фольклоршунос А.Қаҳҳоровнинг фикрича, достоннинг бош қаҳрамони Оллоназар ва Қаҳҳор бахши вариантида тилга олинган Бобо шоир тарихий шахслар бўлишган. Хусусан, Бобо шоир машҳур юзбоши. Оллоназар жуда кўп шогирдлар чиқарган, қобилиятли шоир, достончи бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам Шерободда дунёга келган.

Оғзаки тарзда авлоддан-авлодга етиб келган маълумотларга кўра Бобо шоир XVIII асрнинг охирида, Оллоназар эса XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган" [9;44]. Гарчи Оллоназар тарихда яшаб ўтган бахши сифатида фаолият кўрсатган бўлса-да, достон воқеаларида тарихий шахс ва воқеликка нисбатан эпос қонунияти устунлик қилади. Иккинчидан, Оллоназар бахши сифатида ижтимоий ҳаётда яшаган бўлса-да, достонда у халқ бахшиларининг умумлашма образидир. Чунки эпосда тарихий шахс ва воқеа мавжуд эмас. Тарихий шахс ва воқелик иштирок этган ҳолатларда ҳам улар эпос қобиғида эпиклашади. "Эпосга тарихий номлар кириб қолган тақдирда уларнинг эгалари достон поэтикаси қонунларига бўйсунади ва эпик персонажларга айланади" [6;102]. Шу боисдан ҳам достон вариантларида учраган жойлар, шахслар номи достон учун поэтик деталь ҳисобланади. Достоннинг ҳар иккала вариантида ҳам Оллоназар мана шундай умумлашма эпик образ сифатида гавдаланади.

Достон қизиқарли эпизодларга бойлиги, тилининг равонлиги ва образларининг мукаммал тасвирлангани билан алоҳида ажралиб туради. Достоннинг асосий конфликти Оллоназар билан Ойзумрад (Гуландон) кечинмаларида юзага келади. Оллоназарнинг эътиқодли, инсонийлик қиёфаси билан Ойзумраднинг табиий севгиси оралиғида кечган воқеалар уларнинг фожиали ўлимига олиб келади. Достондаги драматик жараёнлар ҳам мана шу вақт оралиғида юзага чиқади. Шу билан бир қаторда достоннинг ҳар иккала вариантида ҳам конфликт юзага келтирган ҳолатлар умумий кўринишда бўлса-да мавжуд, улар бахшиларнинг эпик дунёқараши ва билимининг анъаналар қобиғида шаклланишида эпик билимнинг таназзулга учраши (Қаҳҳор бахшида) ҳолати билан боғланади.

Оллоназар нафақат достонда бахши – эпик куйчи ва ижрочи сифатида тасвирланади, балки у севги-муҳаббатни ардоқловчи, чин инсоний туйғуларга эга образдир. Бундай тасвир Мардонақул Авлиёқул ўғли вариантида жуда ўринли тасвирланади. Айниқса, Оллоназар билан Ойзумрад ўртасида кечган тортишувлардаги диалоглар, Ойзумраднинг кечаси

Оллоназарга ўзини бахшида қилиб турган эпизодларидаги шартларда мана шундай тасвир жараёнлари кўзга ташланади. Оллоназарнинг хаёлида кечган тасвирни бахши шундай ифодалайди: “Оллоназарбекда бир фикр туғилди: “Олиш-олмаслик аввал хўп синайлик кеча бўлса, узоқ қишнинг кечаси, гап билан алдаб, тонгни оттириб, ушлашмай тонгга еткирсам армон йўқ!” қишда топилмас мевалардан буюра ётибди”. Айниқса, ушбу вариантда Ойзумрад эканлигини билмасдан, ўзини ҳақиқий ошиқ сифатида кўрсатаётган Оллоназарнинг дил изҳорлари, Ойзумраднинг севинч туйғулари бахшининг бадиий гўзал мисраларида тасвирланади:

Тасаддуғинг бўлайик,
Мен шаҳрингда қолайин.
Отанг берса қизгина
Зарга сотиб олайин,

каби саволларига Ойзумраднинг берган жавоблари билан боғлиқ айтишувлари мумтоз лирик қўшиқ даражасида бадиий шаклини олган:

Олувингга менинг кўнглим тўлмайди,
У айтганинг ҳеч ваъдага келмайди.
Молу дунёнг кўр яна кўрҳонанг
Катта кетиб кўп гапирма, Олчинбек.

Достон воқеаларида Оллоназарнинг бахши сифатидаги типик қиёфаси Омондурди (Бобо шоир), Оймамат, Шомурод (Омон), Шертой каби бахшилар; севги, меҳру муҳаббат, одамийлик қиёфасининг шаклланишида Холмўмин, Ойдарой (Ойсадаф), Ойзумрад (Гуландон), Ҳожарой, Каримбек, Хонкелдибой ва бошқа образлар иштироки, уларнинг муносабатларида кўзга ташлана боради. Шу билан бир қаторда Хизир, чилтонлар, Ойзумраднинг ўгай онаси, халқ оқсоқолларининг ҳам сюжетдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга. Сюжетнинг хотимаси эпик қаҳрамонларнинг вафоти билан якун топади. Ҳар иккала вариантда ҳам бу каби тасвирлар мавжуд бўлса-да, Қаҳҳор бахшида инсоннинг айриликдаги руҳий ҳолати, тушкун кайфияти Ойдарой тимсолида, унинг йиғи йўқловларида янада ойдинлаша боради.

Достонда руҳий жараёнлар билан боғлиқ тасвирлар жуда кўплаб ўринларда келтириладики, бундай ҳолатлар достон воқеаларининг кескинлашуви, қаҳрамонлар руҳиятида содир бўлаётган ҳис-туйғуларнинг мураккаб вазиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Достоннинг ҳар иккала варианти ҳам поэтик жиҳатдан мукаммал ҳисобланади. Айниқса, бахшилар қаҳрамонлар образини яратишда анъанавий портрет, сажъ, бадиий тил воситаларидан ўринли фойдаланиб, достон бадиийлигини, унинг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилганлар. Бахши воқеликни характерлар ва манзаралар воситасида тасвирлар экан, жонли халқ тили бойликларидан маҳорат билан фойдалана боради. Достон воқеаларининг моҳияти, қаҳрамонлар руҳияти ва хатти-ҳаракатини жонли ижро этиш жараёнида сўз ва иборалар, инверсия ҳолати, диалектизм, архаизм ва бошқа тил воситаларини қўллайди [3;162]. Чунки тил достонда характер ва манзаралар яратиш қуролидир. Достон матнларида қўлланилган тилнинг фонетик, лексик ва грамматик шакллари қаҳрамон руҳиятини, орзу умидларини, воқеаларнинг маълум жараёнда тасвирланишида муҳим аҳамиятга эга. “Оллоназар Олчинбек” достони вариантларида ҳам умумхалқ тилига оид сўзлар, грамматик шакллар қўлланила борадики, булар биринчидан, достон тилининг поэтиклиги, образлилиги, тасвирийлиги унинг ғоясини, шунингдек, қаҳрамон характерини жозибали тасвирлаш имкониятини юзага келтиради. Иккинчидан, бахшининг эпик хотирасида мавжуд эпик клишеларни анъаналар доирасида ижро этиш кўникмасини такомиллаштиради. Шунингдек, “Оллоназар Олчинбек” достони тилининг жонли ва жозибадорлиги, тасвирий воситаларининг бой ва ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Достон тилида оғзаки сўзлашувга хос жонли тил элементларидан кенг фойдаланиладики, ундаги сўз ва иборалардан қаҳрамон руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатидаги тагдор ишора ва қочиримлар англашилади. Ҳар бир фикрнинг мақоллар, турли халқ айтимлари билан далилланиши эса достон тилининг бадиий кучи ва таъсирчанлигини оширган. Достонни ижро этиш жараёнида бахшилар адабий

тилда мавжуд бўлмаган, аммо нутқий жараёнда мавжуд касб-ҳунар, чорвачилик, ўсимлик ва таомларга оид атама ва сўзларни олиб киради. Бўғчама, аҳар, ҳапиқ, жовгон, жиз, жашнич, керага, куби, морқа қиз, ноқирс, қўра, сорув, уста пиркор, хаччи, йирғамоқ, ғалча, шабоқ, чорси, чеча ва бошқалар шулар жумласидандир. Достонда сўзнинг жонли сўзлашувга ёки бирор шевага мансуб шаклларидан баъзан бирор услубий мақсадда фойдаланилади. Чунончи Ойзумраднинг Оллоназарни отга миндириб, ўрдасига олиб бориб, айтаётган фикрида “жўл” сўзи қўлланган бўлиб, у “қоплади” маъносида келади. “Тоғлар қолди жўл туман” мисрасида бахши жўл сўзини келтириш орқали тоғни туман қоплаши каби, ошиқлик дардига ета олмаган ёрнинг интим кечинмаларини параллел қўллаш асосида чиройли усуллардан фойдаланиб, тасвирни кучайтирмоқда. Бахшилар халқ тили бисотидан ўзлаштириб олган ранг-баранг тасвирий воситалар (ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболаға) ёрдами билан табиий манзаралар яратади. Ойзумрад Бухородаги кўшкида Оллоназарни кутиб туриб, ўзига оро бераётган тасвирида бахши бадиий санъатлардан маҳорат билан ўринли фойдаланади. “Ойзумрад ой зулфини тараб, ойнага қараб, қилинган ишларни сўраб, тўтидай сўйлаб, турнадай бўйлаб, қанча гапларни ўйлаб, сочбовини кифтига ташлаб, булбулдай кўйлаб, ўсма лола қўйиб, лабига хол ўйиб, сўйлаб кетди” тасвирида Ойзумрад руҳий вазиятини кўрсатиш мақсадида ой зулфи, ўсма лола сифатлашларидан, тўтидай, турнадай, булбулдай ўхшатишларини қўллаш билан ёрнинг интизорлиги, чиройи ва ишвасини тасвирлай олган. Халқ достонлари матнида сажъларнинг ўрни ҳам катта бўлиб, улар насрий ифодаларда “бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзларнинг ё вазнда, ё равийда ёхуд ҳар иккаласида мос келиши, қофияланиши натижасида юзага келади” [1;280]. Тасвирдаги -б феълнинг равишдош шакли қўшимчаси асосида равий юзага келмоқда. Достон вариантларида бу каби ўринлар кўплаб ҳолатларда ишлатилган. Демак, тил воситаларидан ўринли фойдаланиш бахшилар маҳоратини кўрсатувчи асосий омиллардан

ҳисобланиб, “Оллоназар Олчинбек” достони тил хусусиятларини тадқиқ этиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Жаҳон эпосшунослигида эпик куйчи шахси ва ижро маҳорати ҳақидаги мазмунан бир хил ёки бир-бирига яқин турли-туман афсона, оғзаки ҳикояларнинг тарихийлик жиҳатидан мифологик тасаввурларга алоқадорлиги ўзбек халқининг бахши ва унинг иқтидори билан боғлиқ эътиқодий қарашларининг маълум маънода ўхшашлигидан далолат беради. “Оллоназар Олчинбек” достонидаги эпик куйчи образи тарихий асосларига кўра мифологик-шомонлик тасаввурлари билан боғлиқ бахшиларнинг эстетиклашган кўринишларидир. Шундай экан, достон вариантларида эпик қаҳрамоннинг бадиий-эстетик ва функционал вазифаси қуйидаги ўринларда тасвирланади.

Биринчидан, биз таҳлилга тортган ҳар икки достон вариантида ҳам эпик куйчининг идеал қиёфаси бадиий мукаммал ижро этилган бўлиб, типологик нуқтаи назардан бахши шахси ва ижроси билан боғлиқ эстетик принципларни ўзида ифода этади.

Иккинчидан, Оллоназар достонда бахшиларнинг типиклашган образи бўлиб, у бутун достон давомида устозлари, шогирдлари ва севгисига бўлган садоқати ҳамда ижро билан боғлиқ эстетик қарашларида мукаммал тасвирланиб боради.

Учинчидан, достон вариантлари достончилик анъаналари доирасида ижро этилган бўлиб, романик достонларга хос барча тасвир усулларини сақлаган.

Тўртинчидан, достон ғоявий жиҳатдан халқнинг идеал эпик куйчи ҳақидаги қарашларини умумлаштирганлиги, ўзига хос сюжет ва композицияси, образ ва мотивлари, бадиий тасвир воситаларининг маҳорат билан ижро этилганлигидан далолат беради.

Умуман олганда, достоннинг ҳар иккала варианти ҳам тугалланган эпос намунаси ҳисобланиб, устоз бахшиларнинг идеал образини ғоявий-бадиий

жиҳатдан тасвирлаганлиги, қолаверса, ўзбек достончилигида бахши ҳақидаги достон намунаси сифатида алоҳида ажралиб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
2. Гацак В. М. Эпический певец и его текст // Текстологическое изучение эпоса. – Москва, 1971.
3. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 162 б.
4. Оллоназар Олчинбек. Достон. /Айтувчилар Мардонақул Авлиёқул ўғли ва Қаҳҳор Раҳимов. Ёзиб олувчи, сўз боши ва луғат билан нашрга тайёрловчи Н.Очилов. – Қарши: Насаф, 2020.
5. Очилов Н. Бахшичилик санъати ва эпик репертуар. – Тошкент: Фан, 2020. – 130 б.
6. Пропп В.В. Фольклор и действителност. – Москва: Наука,1976. – 102 с.
7. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 130 б.
8. Қаҳҳорова Ш. Эпик анъана ва “Оллоназар Олчинбек” достони. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 53 б.
9. Қаҳҳоров А. Янги достонлар. – Тошкент: Фан, 1984.